

Муҳандисларни сертификатлаш



2 бет



Президент мактаби ўқувчилари билан учрашув

3 бет



Самарқандда "ақлли шаҳарча" бўлади

4 бет

369,4 млн долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилади



6 бет



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№ 14 (567)
2022 йил 25 февраль, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ИНСОН ҚАДРИ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ЎҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАТТА МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 24 февраль кунини Беруний туманига борди. Бу ерда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси билан ҳамкорликда шомол электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан, ушбу мажмуага тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Қорақалпоғистоннинг инсонлари меҳнаткаш, ери бой. Энди шомоллария иқтисодийга манфаат келтиради. Агар биз катта-катта корхоналар қурамиз, десак, ҳамкорларимиз авваллабор «энергетиканг борми, йўлинг борми, инфратузилманг борми» деб сўрайди. Бу ерда қуввати 100 мегаватт бўлган шомол электр станцияси барпо этилиши ҳудуд иқтисодийига қўшимча куч, замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қорақалпоғистонда ягона бўлган Тахиташ иссиқлик электр станцияси бундан 65 йил аввал қурилган бўлиб, ҳудуд эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас эди. Шунинг учун ушбу станция 680 миллион доллар эвазига модернизация қилиниб, 560 мегаватт қувватлар ишга туширилди.

Мана энди янги йўналишда, экологик тоза яна бир электр станцияси қурилиши бошланмоқда. Йиллик қуввати 360 миллион киловатт-соат бўлган ушбу лойиҳа 108 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилди.

Бу лойиҳа ишга тушгач, 110 минг хондонани қўшимча электр энергияси билан таъминлаш мумкин бўлади. Йилга 106 миллион куб метр табиий газимиз тежаллади.

Инсон қадри учун, деган бош тамойил асосида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳам катта марралар олганмиз.

Келгуси беш йилда 2 минг 500 та янги корхона ташкил этиб, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки баробарга ошириш режалаштирилган. Қайта тикланувчи энергия манбалари бу ишларга кучли туртки беради. Бундан фарзандларимиз, келажак авлодлар ҳам манфаат қуради, — деди давлат раҳбари.

Лойиҳа бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг техник кўмагида эълон қилинган халқаро тендерда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси 20 га ақин талабгорлар ўртасида ғолиб бўлган. Ушбу компания томонидан давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқариладиган шомол энергияси учун энг паст тариф — 1 киловатт-соат электр учун 2,56 цент тақлиф қилинган.

Яна бир муҳим томони, станция қурилишида минг нафар қорақалпоқ ёшлари ҳам қатнашади. У ишга тушгач эса, 100 нафар малакали муҳандис ва техник ходимлар юқори даромадли доимий иш билан таъминланади.

Лойиҳа доирасида 25 та шомол турбинаси ўрнатилади, 20 километр бўлган 220 киловатт қувватли электр узатиш ҳаво линияси қурилиб, бу қувватлар мамлакат ягона энергетика тизими билан тўлиқ уланади.

Президентимиз лойиҳа учун зарур нарсаларни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Масалан, "Тахиташ металл конструкция" заводига таянч устунлар, "Нукус электр аппарат" корхонасида трансформатор ва электр техника жиҳозлари, бошқа корхона-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, ҳудудларда ер қонунчилиги рия қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириши тақозо этмоқда.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торж қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шафқофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243-сон фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига қўйиладиган қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига қўйиладиган қўшимча вазифалар юклатилсин:

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги муомаласига киритиш билан

аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминлини устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш; ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига рия этилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

илгор хорижий тажриба асосида ердан оқилона фойдаланиш бўйича тақлифлар тайёрлаш; қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жағфармаси маблағлари, шунингдек, соҳага йўналтирилган тегишли бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари мақсадли сарфлинини ўрганиб бориш.

3 бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ УЙ-ҲОЙЛАР ҚУРИЛИШИНИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-ҳойлар қурилишини таъминлаш, уй-ҳой қурилиш бозорини талаб ва тақлиф номуносаблигини қисқартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги "Ҳудудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6244-сон фармонида мувофиқ республиканинг 24 та туман ва шаҳарлари қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, "Узсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

1-иловага мувофиқ республиканинг 8 та туманида хомашени қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришга қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш;

2-иловага мувофиқ республиканинг 16 та туман ва шаҳарларида бошқа ҳудудлар билан sanoat кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;

ҳар бир ҳудудда камидан биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва тайёр қўл қаватли уй-ҳойлар қуришга қўшилган қиймат занжири яратувчи уй-ҳой қурилиш кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. 2022 йилда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари ва уй-ҳой қурилиш кластерларини

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 мартдан бошлаб барча юридик шахсларга республикада ишлаб чиқариладиган цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат бериллади;

2024 йил 1 январга қадар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакиллари) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташин ҳаражатларининг 50 фоизигача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

3 бет

"НУКУС ПОЛИМЕР" МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА



Нукус шаҳридаги "Нукус полимер" масъулияти чекланган жамиятида 16 диаметрдан 630 диаметргача бўлган ҳажмдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил ташкил этилган. 2021 йилнинг апрель ойи-



дан бошлаб бу ерда томчилатиб сўғоришда қўлланиладиган ленталар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотларига буюртмачилар талаби юқори.

Йилга 8000 тонна қувур ва 1200 тонна томчилатиб сўғориш лентаси ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада айни пайтда 50 кишининг иш билан бандлиги таъминланган.



Суратларда: Нукус шаҳридаги "Нукус полимер" масъулияти чекланган жамиятида. Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ИНСОН ҚАДРИ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚОРАҚАЛПОГИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАТТА МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Маҳалланинг "Кўктепа" кўчасидаги 8 та уй намунавий хонадонга айлантирилган. Ҳовлилар тартибга келтирилиб, иссиқхоналар қурилган. Президент улардан бири – Габит Жусупов хонадониди меҳмон бўлди.

– Кечадан бери Қорақалпоғистоннинг энг узоқ, энг оғир ҳудудларига бораялмиз. Ҳозир менга айтишди: Нукусда шароити ёмон яна еттига маҳалла бор экан. Уларни ҳам обод қилиш, йўлини, сувини, электрини тўғрилаш бўйича режаларни белгиладик, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида иш бошлаган пластик эшик ва ромлар қорхонасини бориб кўрди.

Бу лойиҳа учун Жана базар маҳалласи ҳудудидан 4 гектар ер ажратилиб, 2 миллион долларлик қурилиш ишлари амалга оширилган. Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилган. Қорхона жами 270 минг квадрат метр эшик ва дераза ромлари тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда 230 киши иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар.

Давлатимиз раҳбари қорхонанинг иш жараёни, маҳсулотларини кўздан кечирди.

Нукус шаҳрига Тошкент шаҳар ҳокимлиги бириктирилган. Худуднинг драйвери – озик-овқат ва қурилиш материаллари sanoati, туризм. Шу асосда Нукус шаҳрини 2022 йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, умумий қиймати 1 миллиард 361 миллион сўмлик 10 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида қўшимча 3 мингта иш ўрни яратилади.

Президент Жеке терек маҳалласидаги янги турар жой мажмуаси қурилиш майдониди ҳам бўлди. Бу ерда 5 та 16 қаватли уй барпо этиш мўлжалланган. Уларнинг биттаси ҳозир қурилмоқда.

Бу мажмуа янги турдаги қурилиш конструкцияси асосида тикланади. Ташқи деворлар уч қопламали бўлиб, хонадонларнинг қишда илик, ёзда салқин туришини таъминлайди. Уйлар замонавий жиҳозланиб, тайёр ҳолда топширилади.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги инвестиция лойиҳалари ситуацион маркази фаолияти билан танишди.

Бу муассаса бизнес лойиҳаларини шакллантириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича ахилит тизим сифатида ишлайди. "Ягона дарча" тамойили асосида вазирлик, идора, ҳудуд ва ташкилотлар ўртасида тезкор ҳамкорлиқни таъминлайди.

Марказда учта – худудий лойиҳа турари, стратегик ривожлантириш гуруҳи ва тадбиркорларга тезкор ёрдам гуруҳи бор. Шунингдек, Тадбиркорлар кенгаши бўлиб, лойиҳа гуруҳлари билан бирга янги ғоя ва тақлифларни муҳокама қилади ҳамда уларга ишбилармонларни жалб этади.

Бундан ташқари, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси мутаҳассислари ҳудудда имконияти бор лойиҳаларни ишлаб чиқиб, тайёр ҳолда аҳолига тақдим қилади.

Марказга етакчи саноат тармоқларининг вакиллари бириктирилган. Президентимизга Қорақалпоғистонда ушбу тармоқларда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Аввал хабар қилингандек, Оролбўйи худудини биргаликда ривожлантириш учун вилоят ҳокимликлари ҳам жалб этилган. Улар томонидан Қорақалпоғистоннинг ҳар бир тумани бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Марказда ушбу режалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,
А. МУСАЕВ,
Д. АБИБУЛЛАЕВ,
У.А. МУХИРБАРДИ.**

Саноат зонаси бинолари қандай қурилади?

Ислом ИБДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жамиятнинг барча соҳалари муқим биноларига эга бўлган даврда яшанамиз. Давлат бошқарувининг офис-идораларидан тортиб, аҳоли яшаш пунктларигача махсус қурилиш тартиб-тартибга эга. Хусусан, саноат тармоқларининг ҳам ўзига хос қурилиш тартиби бор. Бу жойлар кўплаб инсонларнинг иш олиб борадиган, иқтисодийнинг ривожланиши учун туртки бўладиган индустриал худуддир. Ишлаб чиқариш бўлиmlаридан, идоравий пунктларгача бўлган бу тизимли майдоннинг ҳам архитектуравий шакли бор.

Ҳозирда Ўзбекистонда 25 га яқин эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият олиб бормоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 млрд долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 трлн сўмлик 1497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Мазкур майдоннинг инфратузилмаси эса, ҳар жиҳатдан ишлаб чиқариш ва ривожланиши таъминловчи асосий унсур.

Саноат зоналарининг меъморий кўринишида қаватлар сони асосий ўрин тутаяди. Қорхонанинг иқтисошлашуви ва ишлаб чиқариш дастгоҳларининг катта-кичиклигига кўра, иншоотлар фарқли кўринишларда қурилиш мумкин. Масалан, энгил саноат зоналари учун қуриладиган индустриал бинолар, оғир саноат тармоқлари учун қуриладиган бинолардан ҳарна фарқланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш пунктларининг яна бир хусусияти, катта-кичик турдаги омборларнинг мавжудлигиди. Улар оддий ертўлаларнинг ўрнида ёки саноат турига қараб, очик майдонларда тикланиши ҳам мумкин.

– Ҳар бир бинонинг қурилиш мақсадига кўра, алоҳида майдонлар мавжуд, – деди Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси етакчи мутаҳассиси Собир Саидов. – Маъмурий бинолар, яшаш жойлари, ижтимоий объектлар, аслида, бир-биридан узоқ бўлмаган алоҳида майдонларда бунёд этилиши керак. Саноат зоналари етказиш-ташиш имкониятларига эга бўлган йўл бўйларига, ишчиларнинг келиб-қетишлари учун қулай бўлган жойлар яқинида қурилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу зоналардаги бинолар ишлаб чиқариш тури ва имкониятидан келиб чиқиб қурилади.

Саноат зоналари биноларининг идоравий қисмлари ҳам алоҳида эътибор талаб қиладиган жараёндр. Махсус стандартларга таяниб, бинода ишчилар учун зарурий хоналар, ёнғин ва зилзила – фавқулодда ҳолат бўлаклари мавжуд бўлиши керак.

Албатта, ўз ўрнида ишлаб чиқарилган худудларининг архитектурасида бинолар атрофида бўш жойларнинг қўлдирилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу бўшлиқ жойлар келажақда қорхона биносининг кенгайиши ва бошқа факторлар учун захира ўрнини бажаради.

МУҲАНДИСЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШ

архитектура-қурилиш фаолиятининг сифати ва хавфсизлиги гаровидир

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутаҳассисларни тайёрлаш сифатини кафолатлаш тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим профессионал муҳандисларни сертификатлаш ва рўйхатдан ўтказишга асосланган. Ўзбекистонда бу тизимни жорий этиш маъналик учун мутаҳассислар сифатини баҳолашнинг мутлақо янги даражасини – шаффоф тизимни яратишга имкон беради. Зеро, республикада замонавий муаммоларга жавоб бера оладиган муҳандисларнинг касбий салоҳиятини таъминлаш асосий миллий вазифалардан биридир. Буни ҳал этмай туриб, мамлакатни фаол технологик ва иқтисодий ривожлантириш мумкин эмас.

Мухбиримизнинг Латвия Қурилиш муҳандислари иттифоқи Ижрочи директори Илмарс ЛЕЙКУМС ва раҳбарининг сертификатлаш бўйича ўринбосари Санта СОЙДА билан "ENGINE" лойиҳаси доирасида ўтказилган суҳбатда бу ҳақда батафсил маълумот олишингиз мумкин.

– Биламизки, Латвия Қурилиш муҳандислари иттифоқи бир неча йиллардан бери қурилиш соҳасидаги мутаҳассисларни сертификатлаб келмоқда. 5-7 йил ўқиб, мутаҳассислиги бўйича тегишли диплом олган кадрни яна сертификатлашнинг нима кераги бор? У нима учун яна ўрганиши, қўшимча тайёргарлик қўриши ва имтиҳон топириши керак? Сертификат мутаҳассисга нима беради?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Саволингиз ўринли. Латвияда амалда бўлган ҳозирги тизим шундан иборатки, мутаҳассис олий ўқув юртини битириб, диплом олгандан сўнг, дарҳол ишга қўйилмайди. Университетда олинган билимлардан ташқари, амалиёт нафақат зарур, балки шартдир. Сертификатлаш тизими айнан мутаҳассис олган қайси билимларни амалда қўллаши кераклигини ўргатади. Ушбу билимларни қўллаш ва тегишли қарорларни қабул қилиш орқали қандай қилиб жамият ҳамда касбий фаолиятига зарар етказмаслик кераклигини тушунтиради.

Муҳандисларнинг касбий малака ва билимлари мувофиқлигини баҳолаш муаммоси барча мамлакатларда мавжуд. Лойиҳалаш ва қуриш усуллари, пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга ёндашувлар динамик равишда ўзгариб бормоқда. Табиийки, "ўйин қондалари" ҳам, илгари қабул қилинган стандарт ва қондалар ҳам ўзгармоқда. Мутаҳассисларга қўйиладиган талаблар интенсив равишда ўзгариб, ақсарият ҳолларда объектларни лойиҳалаш ва барпо этишда ностандарт қарорлар қабул қилишга эҳтиёж сезилаяпти. Шундан келиб чиқиб, Латвияда мутаҳассисларни сертификатлаш тартибини жорий қилиш масаласини ҳал қилишга тўғри келди. Бугун бемалол айтишимиз мумкинки, сертификатлаш тизими ўз мевасини бераяпти, у самарали "фильтр" ролини бажармоқда. Натижада ишга лаёқатсиз, ўз вазифасини бажаришга қодир бўлмаган ва бунинг оқибатида ҳам жамиятга, ҳам давлатга зарар келтириш хавфини тугдирадиган мутаҳассисларнинг "сизиб ўтиши" анча чекланди.

Санта СОЙДА: – Шунини қўшимча қилмоқчиманки, сертификатланган мутаҳассис ўз фаолиятида жуда моҳир бўлиши учун бутун масъулиятни аниқ аниглаб етиши керак. Сертификатлаш механизмининг ишлаш жараёнида шундай шарт-шароитлар яратиладики, бунда мутаҳассис объектда ишлаб, тажриба орттиради, сўнг олган билимларининг зарурлиги ва муҳимлигини исботлайди. Бу билан ўз билим ва амалий қўшимчаларини амалиётда қўллаб олишини тасдиқлайди. Инсонлар ҳаёти ва уларнинг фаровонлиги бевосита ана шу қўнимчаларга боғлиқ.

– Муҳандисларни сертификатлаш тизимининг жорий этилиши инжиниринг хизматлари сифати ва умуман, инжиниринг хизматлари бозорига қандай таъсир кўрсатади?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Бу тизим инжиниринг ёки қурилиш компаниялари, шунингдек, алоҳида мутаҳассислар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, давлат бўртмалари ва харидларини амалга ошириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Бюртмачи ижрочи-компания ёки алоҳида бир муҳандисга муайян бир вазифани ишониб топшираётганда, сертификатланган муҳандисларнинг қарорларини қабул қилиш ҳамда уни амалга оширишда хатога йўл қўйиш эҳтимоли жуда кичик эканлигини яқини билади. Чунки ваколатли сертификатлаш органи ўша мутаҳассисларнинг амалдаги талаблар ва касбий стандартларга мувофиқлигини баҳолаб берган. Шу боис, сертификатланган муҳандиснинг нуфузи тобора ўсиб бормоқда.

Инжиниринг хизматлари бозорига келса, лойиҳаларни амалга оширувчилар учун ўтказиладиган танловларда иштирок эта оладиган хусусий компаниялар ривожини таъминлашнинг керак. Бундай хусусий компаниялар Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлмоқда ва бу ерда асосий масала шуки, улар рақобатга дош бера олишлари, йирик капитал қўйилмалар ва инсон ресурсларини талаб қиладиган катта вазифаларни удаллашлари керак. Бугунги кунда кўплаб лойиҳа институтлари янги мутаҳассислар билан тўлиб бормоқда, аммо уларнинг билим ва қўнимчалари бозор талабларига жавоб бера олмааяпти.



– Бугунги кун учун долзарб масала – иختисослашган олий таълим муассасаларида мутаҳассислар тайёрлаш даражасининг бозор талаблари билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирдингизлар. Ахир, айнан бозор ОТМ битирувчиларига ўз талабларини қўйиши ҳамда талабалар ҳам базавий малака ва қўнимчалари билан унга жавоб бериши лозим. Бу амалда сертификатлаш процедураси билан қандай боғланади?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларига ишга келаятган ёш мутаҳассислар ҳар доим ҳам бозор талабларига жавоб бера олмааяпти. Бунинг сабаби, олий ўқув юртилари ўз талабаларига зарур билимларни ўргатамаяпти. Улар кўп ҳолларда воқелиқдан орқанда қолмоқда ва бу вазиятда қурилиш майдончасидаги амалий фаолиятни олий таълим билан боғлаб турувчи мустаҳкам "ин" узилиб қолган. Олий базавий таълим билан воқелиқ томонидан қўйилаётган талаблар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини доимий равишда таъминлаб туриш керак. Техник мутаҳассислар бўйича таълим берадиган университетлар ўз талабаларига кўпроқ техника (муҳандислик) фанларини ўргатиб, ижтимоий фанларга камроқ эътибор бериши керак. Бу муаммо ҳамма жойда учрайди. Латвияда профессионал стандартларни олий ўқув юртилари эмас, балки мутаҳассислар, профессионаллар шакллантиради. Стандартларни тайёрлайдиган ушбу мутаҳассисларга албатта, олий таълим муассасалари вакиллари ОТМ стандартларига мувофиқлиги нуктаи назардан маслаҳатлар беришади. Шунга қарамай, олий базавий таълим ҳар доим ҳам илгарийлаб кетаятган инжиниринг хизматлари бозорининг ҳақиқий талабларига етиб олганча йўқ.

Сертификатлаш билан боғлиқлик масала ҳақида шунини айтишимиз мумкинки, юқоридаги муаммо туфайли сертификатлаш "фильтри" орқали яқини тайёр бўлмаган ёки касбий салоҳияти йўқ мутаҳассисларнинг "сизиб ўтиш" ҳолатлари учраб турибди. Биз уларнинг ҳаммаси муҳандислик малакаси ва анъаналари ҳамда касбий маҳорат эталони бўла олмаслигини биламиз. Шунга қарамай, сертификатлаш тизими ва орқали ўнчалик тайёр бўлмаган ходимлар баъзида ўтиб турса ҳам, ҳар ҳолда "фильтр" ролини йўқотмайди.

Санта СОЙДА: – Шунини қўшимча қилишни истардимки, амалиётчилардан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркибига соҳа бўйича вазирлик ва идоралар вакиллари киритилиши керак. Ишчи гуруҳлар биргаликда касб стандартларини ишлаб чиқади, ОТМлар эса ушбу стандартларга жавоб берадиган ўқув дастурларини тўзади. Бу дастурлар асосида бўлгани моҳир мутаҳассислар тайёрланади.

– Ўзбекистонда муҳандисларни аттестациядан ўтказиш механизмининг шакллантиришда аввало, қандай қадамларни амалга ошириш керак? Муҳандис ходимларни сертификатлаш процедураларини жорий этиш бизга нима беради?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Биринчидан, сертификатлаш "фильтрининг" параметрлари ва мезонлари қандай бўлишини аниқлаб олишингиз керак. Қайси соҳалардаги қайси мутаҳассислар биринчи навбатда сертификатланиши керак? Масалан, хавф-хатар даражаси юқори объектлар билан ишлайдиган мутаҳассислар биринчи навбатда сертификатланган керакми ёки йирик молиявий сармояларга эга объектлар билан ишлайдиганларми? Объектларнинг келгусида тўғри ва хавфсиз ишлаши уларнинг иш натижаларига боғлиқ бўлади.

Иккинчидан, сертификатлаш процедурасининг ўзи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишингиз керак. Уни ким ва қандай нормативлар ёки қондалар асосида амалга оширади? Олий таълим ва малака ошириш тизимлари билан узвий боғлиқлиги қандай таъминланади? Бу борада ягона, умумэтироф этилган модель мавжуд эмас. Хоржи тажрибасини билан бирга, мамлакатингизда муҳандислик амалиётидаги мавжуд шарт-шароит ва тенденцияларни ҳам инобатга олиш зарур. Бошқача айтганда, аввал сертификатлаш жараёнини бошлаш, унга туртки бериш, синаб кўриш керак. Бошида жуда қийин талаблар ва мураккаб баҳолаш мезонларини қўллаш шарт эмас. Мўҳими, бошлаб олиш ва олинган натижалар ҳамда уларнинг тақлилларига кўра керакли процедурага тўзатишлар киритиш, уни конкретлаштириш лозим.

Айтганча, 2021 йил декабрь ойида Ўзбекистонда бўлган вақтимизда кўрганларимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Юртингизда турли мамлакатлардан келган кўплаб

инвесторлар, инжиниринг компаниялари, ЕРС-пудратчилар ишламоқда. Бу қувонарли ҳол, чунки улар юртингизга ўз тажриба ва қўнимчаларини ҳам олиб келишади. Лекин бунинг ўзига яраша манфий томони ҳам бор. Уларнинг хизматларига ҳақ тўлаш учун мамлакатингиздан пул маблағлари чиқиб кетмоқда. Ваҳоланки, бу пулларни маҳаллий компанияларингиз ишлаб топилари мумкин эди. Агар юртингизда сертификатлаш тартиби ва стандартлари мавжуд бўлганда ҳамда ишлаганда, сизнинг сертификатланган мутаҳассисларингиз у ёки бу даражада инвесторларга "ўз ҳужмларини ўтказган" бўлар эди. Масалан, сиз "on-the-job-training (иш жойида ўқитиш)" принципини амалда тўлиқ таъбиқ қилиб, мутаҳассисларингизга чет эллик мутаҳассислар билан биргаликда ишлашга рухсат берадирингиз. Ушбу ҳолатда, илгор стандартларга мувофиқ лойиҳалаш ва қуриш усулларини ўрганиб, пул маблағлари ҳам мамлакатингизда қолар эди. Қолаверса, мутаҳассисларингизни юқори ҳақ тўланадиган иш билан ҳам таъминлар эдингиз.

– Санта, сертификатлаш процедураси Латвияда қандай амалга оширилади ва у қай даражада мураккаб?

Санта СОЙДА: – Сертификатлаш жараёни Латвияда аллақачон йўлга қўйиб бўлинган. Биринчидан, бизнинг ташкилотимиз – Латвия Қурилиш муҳандислари иттифоқининг веб-сайтида сертификатлаш талабгор номзодлар учун батафсил қўрсатмалар жойлаштирилган. Номзод иختисослашган олий ўқув юртидан тугатган бўлиши ва иختисосига мос тегишли амалиёт ўтаган бўлиши керак. Талабларга мувофиқ, бундай амалиёт мuddати диплом олгандан кейин камида 2 йил бўлиб, шу вақт ичида мутаҳассис Иттифоқ томонидан тасдиқланган дастур бўйича амалий қўнимчалар орттирган бўлиши керак. Бу мuddат кўпроқ вақтни ҳам талаб қилиши мумкин, ҳаммаси мутаҳассиснинг ўзига ҳамда унинг қобилияти ва имкониятига боғлиқ. Талабгор номзоднинг амалиёт ўташи ва зарур қўнимчалар орттириши учун у бириктирилган ҳамда унга сабоқ берадиган бошқа бир сертификатланган мутаҳассис жавоб беради. Яъни, сертификатлашга талабгор номзод муҳандис ёрдамчиси бўлиб ишлайди ва ҳар бир объект учун амалиёт рақабридан боқа олади. Бу баҳолар бизга, Иттифоққа етказилади. Биз мутаҳассис муайян қўнимчаларга эга бўлиб, объектда бекорчилик билан шугулланмаётганини кузатиб бораемиз.

Фақат зарур қўнимчаларни эгаллаб бўлган мутаҳассисга бизга келиб, сертификатлашдан ўттишга номзод бўлиши мумкин. Лойиҳачилар яна битта тугалланган лойиҳани ҳам тақдим этишлари керак ва бу босқичда икки қисмдан иборат имтиҳон бўлиб ўтади. Лойиҳачи билан мутаҳассислар суҳбати бўлади, агар у ушбу қисмдан муваффақиятли ўтса, ёзма имтиҳонга қўйилади. Бу ерда унинг тегишли нормативларга оид билимлари текширилади. Бу тест эмас, балки ёзма имтиҳондир. Ва шундан сўнг, номзод ўз мутаҳассислиги бўйича алоҳида бир вазифани бажариши керак.

– Сертификатлаш фаолиятида қандай қийинчиликларга дуч келасиз? Латвиядаги жорий сертификатлаш механизмида нимани ўзгартирган бўлар эдингиз? Латвия Қурилиш муҳандислари иттифоқи ўз фаолиятида қанчалик мустақил?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Аввал охириги саволингизга жавоб бераман. Профессионал ташкилот сифатида биз кўпроқ мутаҳассисларга ақнимиз. Аммо шунга қарамай, Иттифоқ қисман бюрократ бўлишга ҳам мажбур. Масалан, бизнинг фаолиятимизни Латвия Иқтисодиёт вазирлиги ўз қоида ва талаблари билан назорат қиладди, биз унга ҳисобот бериб тураемиз. Аммо доимо бир хавф остидамиз: қондалар "чакалалар"да биз мутаҳассисларнинг касбий маҳорати устуворлигини йўқотиб қўйишимиз мумкин. Шу боис, олтин ўртани сақлаб туришга ҳаракат қилаемиз. Шунинг учун биз юқори турувчи органлар томонидан ўрнатилган қатъий қондаларга риоя қилаемиз, аммо, шу билан бирга, профессионал мутаҳассисларга ёрдам бериш учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга ошираемиз. Иттифоқимиз, шунингдек, қурилиш майдончасидаги, лойиҳалаш бюраларидаги ҳаёт билан норматив ҳужжатлар тайёрлайдиган вазирлик ва идоралар ўртасида ўзига хос "ўтказгич" вазифасини бажаради.

Биз давлат идораларига қанчалик боғлиқмиз, биз мустақилмиз, деб ўйлашимиз мумкин, лекин мустақил эмасмиз. Иттифоқнинг, бошқа нарсалардан ташқари, Латвия Иқтисодиёт вазирлиги билан тузган шартномами бор. Унга кўра, Иттифоққа

мутаҳассисларни сертификатлаш ҳуқуқлари берилган. Шартномада Иттифоқнинг мажбуриятлари ва бузиш мумкин бўлмаган қондалари белгиланган. Иқтисодиёт вазирлиги Иттифоқ фаолиятининг шартномада белгиланган меъёрларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат олиб боради.

Муаммоларга келсак... Тўғриси яна айтганим бўлсам, бизда мутаҳассисларнинг ваколатларини қисқартриш ҳуқуқи йўқ. Амо бу зарур. Лекин ҳозирча бундай имкониятимиз йўқ, бу масала устиди ишлаялмиз. Шунингдек, баъзи мутаҳассислар сертификатлаш нархларидан норози. Ҳа, нархлар паст эмас. Аммо бу қиймат Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ўрнатилади ва муҳандисларни сертификатлашнинг бу қиймати Латвиянинг ҳамма ерида бир хил. Аммо меъморларни сертификатлаш қиймати ташкилотлар миқдосига ва объектларда бажариладиган ишлар қўламага қараб фарқланади. Нархлар экспертлар меҳнати га ҳақ тўлаш ва сертификатлаш процедурасига кетадиган харажатлар билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, бир неча соҳаларда сертификатланмоқчи бўлган мутаҳассислар учун бу қийинроқ. Чунки бу уларнинг харажатлари ошишига олиб келади.

Шунингдек, сертификатлаш жараёнида мутаҳассисдан имтиҳон олиш ёки аввал сертификатланган мутаҳассисни текшириш пайтида баъзи меъёрий-техник ҳужжатларни талқин қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳам учрайди. Биз бу муаммоларни қўпична мутаҳассислар фойдасига ҳал қилишга ҳаракат қилаемиз. Агар бу ишимиз амалдаги қонунчиликка эид бўлмаса, албатта.

– Латвияда муҳандисга сертификат қанча мuddатга берилди? Иттифоқ йилга ўртача қанча сертификат беради? Латвияда Иттифоқдан ташқари бошқа сертификатлаш уюшмалари ҳам борми?

Санта СОЙДА: – Ҳозир биз бераётган сертификатлар мuddатсиз. Илгари сертификатларни 5 йилга берад эдик. Сертификатланган мутаҳассис ҳар беш йилда Иттифоқ мутаҳассиси томонидан текширилади. Мутаҳассис фаолиятининг тури ва қўламага қараб текширувлар оралиги қисқароқ ҳам бўлиши мумкин. Фаолиятни назорат қилиб бориш харажатлари сертификатланган мутаҳассис томонидан қопланади. Миқдорий кўрсаткичларга келсак, масалан, 2021 йилда биз муҳандисларга 12 фаолият йўналишини бўйича 142 та сертификат бердик. Иттифоқ таъсис этилгандан бери деярли тўрт ярим мингта сертификат берилди.

Қурилиш муҳандислари иттифоқидан ташқари, сертификатлаш фаолиятини Латвия Меъморлар иттифоқи, Латвия Иссиқлик, газ ва сув таъминоти муҳандислари иттифоқи, Латвия Электриқлар ва энергетикалар уюшмаси, Латвия Электриқлар биродарлиги, Давлат қурилиши назорат қилиш бюроси ва бошқа бир қатор уюшмалар амалга оширади. Латвиянинг шу каби барча бирлашмалари томонидан ўз фаолиятлари давомида ўн минг сизки юзга яқин сертификат берилган. Бу жорий йилнинг февраль ойи бошларидаги маълумотлардир. Иттифоқ томонидан сертификатланган мутаҳассиснинг вазифаси аккредитацияланган дастур бўйича ўз малакасини доимий равишда ошириб боришдан иборат бўлиб, бу сертификатланган мутаҳассис фаолиятининг зарурий шартидир. Касбий малакани ошириб бориш – бу балларни оддий тўплаб бориш эмас, балки мутаҳассиснинг профессионал сифатида ўсиши ва ривожланиши демакдир.

– Латвия Қурилиш муҳандислари иттифоқининг асосий миссияси нимадан иборат? Фақат сертификатлашми?

Илмарс ЛЕЙКУМС: – Сертификатлаш алоҳида соҳа сифатида Иттифоқ фаолиятининг асосий қисмидир. Шунга қарамай, Иттифоқнинг асосий вазифаси – қурилиш муҳандисларини олий таълим билан бирлаштиришдир. Иттифоқ орқали биз жамиятга муҳандислик фаолиятининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтираемиз. Бу жамоатчиликни илмий-техник ютуқлар билан таништириш, Латвиядаги лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида Иттифоқнинг ўрни ҳақида хабардор қилиш деганидир. Бундан ташқари, Иттифоқ олий ўқув юртилари ва битирувчилари билан ҳам иш олиб боради, яъни, амалий фаолиятни таълим билан боғлашга қўмақлашади. Биз, шунингдек, турли хил ноҳуш вазиятларда ўз аъзоларимизни ва қурилиш муҳандисларини ҳимоя қилаемиз. Ахлоқий нормаларни оммалаштириб, касбий фаолиятимизда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қўмақлашамиз. Соҳамизга оид фаолият жараёнида юзга келадиган турли масалаларда эксперт ролини бажарамиз.

Санта СОЙДА: – Латвия Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида Қурилиш кенгаши фаолият юридади. Ушбу кенгаш турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган асосий уюшма ва бирлашмалар, вазирлик ва идоралар вакиллари билан таркиб топган. Кенгаш қурилиш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал қилиб, у ёки бу нормаларни, шу жумладан, техник тартибга солиш нормаларини мувофиқлаштириш бўйича экспертиза фаолиятини олиб боради. Биз ҳам шу кенгаш ишида иштирок этиб, оптимал ва асосли қарор қабул қилинишига ёрдам бераемиз. Шунингдек, Иттифоқ энг яқин муҳандисларни аниқлаш бўйича танловлар ташкил этиб, муҳандислик касбининг обрўси ошишига ҳисса қўшиб келмоқда.

– Мазмунли суҳбатингиз учун сизларга ташаккур. Соҳадаги ҳамкорлигимиз бардавом бўлади, деб умид қила

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

2. Прокуратура органлари зиммасига юкланган қўшимча вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура таркибида 8 та штат бирлигидан иборат бўлган **Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси** (кейинги ўринларда – Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида эса умумий сони 56 та штат бирлигидан иборат бўлган **Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлимлари** (кейинги ўринларда – бўлимлар) ташкил этилсин.

Янги ташкил этилаётган Бошқарма ва бўлимлар прокуратура органларининг 32 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг 15 та, Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 7 та, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 10 та штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Бошқарма ва бўлимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон фармони билан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратураларга юклатилган вазифаларнинг ижро этиб борилишини ташкиллаштириш.

3. Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофизат қилишда **жамоатчилик назоратини кучайтириш** мақсадида **2022 йил 1 мартдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича Бош прокуратура (1007 қисқа рақами) ва Кадастр агентлигига (1097 қисқа рақами) **юборилган фотосурат ва видеоёзувлар** қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиларига (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчилари) ўз ҳудудда қурилиши бошланган ҳар қандай бино ёки иншоотларнинг қонунчилигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи берилди, бунда:

мазкур сўровлар **5 иш кунига** мажбурий тартибда кўриб чиқилиб, қурилиши бошланган бино ва иншоотларга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровлар асосида олинган маълумотларни ўз бошимчилик барча фуқаролар учун кўринарли бўлган жойда жойлаштириш ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни бир кунлик муддатда ер соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга тақдим этади.

Кадастр агентлиги **икки ой муддатда** Ер ко-

дексининг 84-моддасида назарда тутилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний фойдаланиш бўйича хабар берган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки, ерга оид ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини юритиш бўйича яратилган **“E-YER NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини** (кейинги ўринларда – “E-YER NAZORAT” тизими) **такомиллаштириш** мақсадида:

“E-YER NAZORAT” тизимига ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида киритиш ва ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш учун Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофизат қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг ҳудудий бўлинулари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари **масъул ҳисобланади**;

“E-YER NAZORAT” тизимида ер участкалари билан боғлиқ содир этилган **жиноятлар бўйича маълумотлар харитаси алоҳида юритилади**.

Кадастр агентлиги Бош прокуратура ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда **бир ой муддатда** “E-YER NAZORAT” тизимига кўзғатилган жиноят ишлари ҳақидаги маълумотларни киритиш тартибини белгиласин.

5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ташкил этилаётган Бошқарма Адлия вазирлиги билан биргаликда:

“E-qogot” электрон тизими орқали **маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равишда мониторинг қилиб боради**; мониторинг натижаларига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар юзасидан дарҳол **прокурор назорати таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди**.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофиа вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофизат қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Узтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ:

уч ой муддатда ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланилишини ўрганиб бориш;

ҳар чоракда ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофизат қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний

ҳолатлар бўйича маълумотларни Бош прокуратурага тақдим этиб бориш.

Мазкур бандда назарда тутилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига бириктирилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши ҳамда улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича **шахсий масъулият юклатилсин**.

7. “Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** синов таркиқасида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қўбрай ва Тошкент туманларида ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чораларини кўрсин.

Вазирлик ва идоралар “Ўзбеккосмос” агентлиги сўровига асосан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминласин.

Бунда космик суратларни олиш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар “Ўзбеккосмос” агентлиги ва Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги Кадастр агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда ўтказилган синов натижаларидан келиб чиқиб, ушбу амалиётни республиканинг бутун ҳудудда жорий этиш юзасидан тақлифларни **2023 йил 1 мартга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзларининг юридик хизматлари, ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорларини **қуйидаги график асосида хатловдан ўтказиб**, уларнинг электрон нусхаларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

2022 йил 1 майга қадар – 2016-2021 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2022 йил 1 августга қадар – 2006-2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

2023 йил 1 январга қадар – 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

“Узархив” агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг бўйруқлари **хатловдан ўтказиб**, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминласин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШINI ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

5. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан биргаликда:

2022 йил якунига қадар капитал бозорлари конъюнктурасидан келиб чиқиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг **300 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда халқаро корпоратив облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш ҳамда уй-жой қурилиши кластерларини қўллаб-қувватлаш учун **150 миллион АҚШ доллари** миқдорда Ҳукумат қаролантисиз хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сон фармонига кўра Тикланиш ва тараққиёт жағфармаси томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга ажратилган кредит линиясини 5 йил муддатга субординат қарз сифатида қайта расмийлаштириш чораларини кўрсин.

6. Қурилиш вазирлиги қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиши вақти ва танархини пасайтириш мақсадида:

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда** ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 4-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллар-

дан фойдаланишнинг афзалликлари юзасидан кенг тарғибот қилиб бориш;

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг филиаллари томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида уларда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари қўлланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини таъминласин.

7. **2022-2023 йилларда янги норуда конларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг манзилли режаси** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб кўйилсинки, мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 2022-2023 йилларда Давлат бюджетдан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағлар доирасида **100 миллиард сўм миқдорига маблағ ажратилади**.

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда 400 та** фойдала қазилма кон участкалари аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

9. Хоразм вилояти учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5233-сон қарорига мувофиқ зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати **камида 50 миллиард сўм миқдорига белгилансин**.

Бунда, ушбу тартибга кўра қийма-

ти 50 миллиард сўмдан 200 миллиард сўмгача бўлган инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш харажатлари ушбу лойиҳалар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

10. Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қурилиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиغان ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Б. Воитов, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаши раиси С. С. Аннакчиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

Президент мактаби ўқувчилари билан учрашув

Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Аъзамиддин Қўлдашев ва Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчилари ўртасида очиқ мулоқот тарзида учрашув ташкил этилди.

Унда 30 нафарга яқин ўқувчиларга қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳани ривожлантиришнинг долзарблиги, аҳамияти ҳамда вазирлик томонидан истеъдодли ёшларни ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, учрашувда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тегишли жавоблар олишди.

Инвестиция дастурлари ва “Шаффоф қурилиш”

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkor” мухбири.

“Шаффоф қурилиш” тизимини пухта жорий этиш, юқори сифат ва самарадорликка эришиш мумкин аҳамиятга эга. Бунинг учун нима қилиш керак, қайси масалалар доимий эътибор марказида бўлиши зарур?

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги вилоят Маданият марказида ўтказилган кўрғазиллик семинарда ана шу ҳақда фикр юритилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Қурилиш бош бошқармаси ва ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Саидахмад Султанов олиб борди. Дастлаб қурилиш соҳасида 2021 йилдаги натижалар таҳлил қилинди. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам очик айтилди, уларнинг сабаблари

вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида янги ташкил этилаётган тузилмаларга кўчмас мулк объектлари, уларнинг мулкдорлари ва эгалик тарихи ҳақида маълумотларни Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестридан онлайн олиш имкониятини яратсин.

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларни бўйича **давлат манфаатларига етказилган зарарларни** белгиланган тартибда ундиришдан тушган маблағларнинг 10 фоизи тегишинча мазкур органларнинг бюджетдан ташқари жағфармаларига ўтказиб берилсин.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари ҳодимларини уларга юклатилган вазифалардан ташқари бошқа ишларга жалб қилиш қатъий тақиқлансин.

13. Олий суд:
2022 йил 1 апрелга қадар ер участкаларида ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ **ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб**, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тавсияларни берсин;

2022 йил 1 июлга қадар мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ ҳолатларни батафсил ўрганиш ишларини ташкил этсин ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифларни киритсин.

14. Бош прокуратура манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиغان ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Бош прокуратура мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб **бир ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг ташкилий-штат тузилмаларини тасдиқласин.

Молия вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** тегишинча Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда ички ишлар органларининг харажатлар сметаси ва штатлар жағдалига ўзгартиришлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н. Т. Йўлдошев, ички ишлар вазир П. Р. Бобожононов, қишлоқ хўжалиги вазир Ж. А. Ходжаев ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Д. Кудибиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 21 февраль



“UzBuild – 2022” юртимизни яна бир бор дунёга танитади



Райхона ХЎЖАЕВА,
Ислом ИБОДУЛЛА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида 2022 йил баҳорги кўргазма мавсумининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. “Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Унда “Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси вакиллари жорий йилда нефть-газ, энергетика, озиқ-овқат, тўқимачилик, мебеласозлик, соғлиқни сақлаш каби қатор соҳаларда ўтказилиши кутилаётган кўргазмалар ҳақида батафсил маълумот беришди.

– “UzBuild – 2022” Ўзбекистон қурилиш санвати халқаро кўргазмаси “Itesa Exhibitions” компаниясининг жорий йилги мавсумини очиб беради, – деди компания бош директори Нигора Ҳасанова. – 1-4 март кунлари “Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтадиган

23-халқаро кўргазма Ўзбекистонни яна бир бор дунёга танитишга хизмат қилади. Утган йиллардагидек, “UzBuild” яна бир бор профессионалларга кенг экспозиция, қурилиш материаллари ва технологиялари асортиментини тақдим этади. Шунингдек, мазмунли музокаралар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш учун энг яхши бизнес платформага айланади. “UzBuild” кўргазмасининг халқаро мақоми 146 та хорижий компаниянинг иштироки билан тасдиқланган, бу рақам экспонатлар умумий сонининг 82 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон қурилиш санвати иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири бўлиб, бугунги кунда катта суръатда тезлик билан ривожланмоқда. Ҳозирда юртимизнинг барча шаҳарларида уй-жой ва маъмурий мажмуалар, ижтимоий инфратузилма объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ишларига гувоҳ бўляпти.

– Бундай кенг қўламли қурилиш ишлари янги технологиялар ва жиҳозлардан, замонавий қурилиш ва пардозлаш материалларидан, мезморчилик ва интерьер дизайни соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланишни талаб қилади, – деди “Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси

UzBuild

ҚУРИЛИШ

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИГА
ТАШРИФ БУЮРИНГ!

1 > 4 МАРТ 2022

ЎЗЭКСПОМАРКАЗ

180+
КОМПАНИЯ

19 та
ИШТИРОҚЧИ
МАМЛАКАТ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
БЎЛИМ

BuildTech

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ
ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ИЛТИМОС,
БЕЙДЖ ОЛИШ УЧУН
QR КОДНИ
СКАНЕРЛАНГ

71 205 18 18

WWW.ITECA.UZ

бош директори ўринбосари Ойимхон Бобожонова. – Шу сабабли, ушбу халқаро кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида 19 мамлакатни (Австрия, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Испания, Италия, Қозғистон, Хитой, Корея Республикаси, Нидерландия, Россия, АҚШ, Туркия, Ўзбекистон, Украина, Финляндия ва Франция) намоён этувчи 180 дан ортиқ компания ва бренд иштирок этиши режалаштирилган. Хусусан, унда “Biznes Azija”, “Chemistry”, “Ecoplit”, “Texnopark”, “Uzkabel”, “Dorex”, “ETC Uzbekistan”, “Arton” каби маҳаллий корхоналар ҳамда биргина Туркия давлатидан 70 та, Россиядан 28 та, Германиядан 19 та, Италиядан 8 та ва Ҳиндистондан 6 та компания қатнашаётгани катта воқеа.

Кўргазмининг қурилиш ва пардозлаш материаллари бўлимида металл, ёғоч, алюминий, композит тузилмалари, том ёпиш материаллари, қурилиш кимёси, шунингдек, пол қўламалари, керамика, тош, бўёқлар, гулқоғоз, эшиклар, осма шифтлар, дераза тизимлари каби ташқи ва ички пардозлаш материаллари намойиш этилади. Қурилиш ускуналари бўлимида эса бетон аралаштириш ускуналари, тошга ишлов бериш ва металл дастгоҳлари, майдалагичлар, лента конвейерлар, пайвандлаш қурilmалари, қўлип тизимлари каби намуналар тақдим этилади.

Шунингдек, кўргазмада қантшаётган давлатлар рейтингини ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, биринчи бешлик (топ 5) хорижий давлатлари қаторига Туркия (70 та компания), Россия (28 та компания), Германия (19 та компания), Италия (8 та компания) ва Ҳиндистон (6 та компания) кирган. Турк миллий экспозицияси кўргазма иштирокчи-

лари – қурилиш ускуналари, техникаси, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчилари сони бўйича етакчилик қилмоқда. Германия миллий тенди ҳам пайвандлаш ускуналари, бетон блоклар ишлаб чиқариш линиялари, йўл белгиларини белгилаш техникаси ва бошқаларни тақдим этади. Россия Федерацияси Москва, Омск, Ульяновск ва Тюмень вилоятлари, шунингдек, йирик экспортчи компаниялар жамоавий тендлари таркибиде техника, асбоблар ва интерьер ечимларининг кенг асортиментини тақдим этиши режалаштирилмоқда.

Ҳиндистон миллий экспозициясининг иштироки эса дебет бўлади, унинг таркибига Asia Pacific Impex, Comet Granite Pvt., Commander Vitrified Pvt. Ltd., Sonex Vitrified LLP, Sparten Granite Pvt., Spolo Ceramic Pvt. компаниялари – керамика ва пардозлаш тошлари ишлаб чиқарувчилари кирди.

Кўргазмада илк мартаба ВСО профиль (Россия), Новосталь (Россия), CityLife (Қозғистон), Moldtech (Испания), Альтернатива (Россия), Classen Azija (Қозғистон/Германия), Fachmann Group (Ўзбекистон), Grand Metall Stroy (Ўзбекистон), Yilmaz Makina (Туркия), Zevs (Россия), JAF Global G.m.b.H. (Австрия), RDS Story (Беларусь), ETC Uzbekistan (Ўзбекистон), Hikvision (Хитой), Cukurova (Туркия), Max Décor (Ўзбекистон), Marmaruz (Ўзбекистон), Северный Фанерный Комбинат (Қозғистон/Туркия), OAK Doors (Беларусь), Узметкомбинат (Ўзбекистон), Era (Ўзбекистон), Iksa Group (Туркия) каби танқил компаниялар ҳам қатнашиши кўзда тутилган. Бу “UzBuild” кўргазмасига машҳур ишлаб чиқарувчилар ва брендларнинг қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

“UzBuild” кўргазмаси тарихида илк бор Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг (МТРК) сайёр студияси фаолият юритади. Студия “Атриум” зали, М-1 тендида жойлашган бўлиб, кўргазмадан репортажлар, иштирокчилар ва экспертлар билан суҳбат ҳамда интервьюларни жонли эфирда олиб боради.

Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Узаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси, “ҚурилишМашЛизинг” РИЛК АЖ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси расмий кўмак кўрсатмоқда.

Кўргазма доирасида “Келажакнинг бугунги кўриниши – Янги Ўзбекистон қурилиши: ислохотлар ва ўзгариш даври” мавзусида халқаро қурилиш санвати анжумани ҳам бўлиб ўтади. Унда Беларусь Республикаси, Исроил, Нидерландия, Россия, Туркия ва Франциядан 18 нафар эксперт ўз тажрибаси ва тақдимотини намойиш этади. Ушбу анжуманда Ўзбекистон қурилиш санватини янада ривожлантириш истикболлари, устувор йўналишлари, муаммолари, замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари, маҳаллий ва халқаро кўчмас мулк бозори, BIM технологиялари каби мавзулар муҳокама қилинади. Анжуман делегатлари орасида халқаро қурилиш компаниялари вакиллари, шаҳаршунослар, лойиҳачилар, илмий доиралар вакиллари, меъморлар, дизайнерлар ҳамда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан қурилиш ва турдош сановатларнинг манфаатдор мутахассислари бўлиши кўзда тутилмоқда.

Газетамизнинг кейинги сониде кўргазмадан тайёрланган репортаж билан батафсил танишингиз мумкин.

ХУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Самарқанд вилояти

Самарқандда “ақлли шаҳарча” бўлади

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда кейинги пайтда инновацион фаолиятга катта эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги натижасида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётган. Жумладан, Самарқандда энг сўнгги қулайликларга эга бўлган “Хумо Смарт сити” – ақлли шаҳарча қурилиши бошлангани фикрга далилдор.

Тажрибали мутахассис Акбарали Қаюмов таъсисчилигида ташкил этилган “Нурли келажак ишонч сервис” МЧЖ ушбу мажмуанинг асосчиси ҳисобланади. Утган даврда қадимий кентда 11 тадан ортиқ кўп қаватли турар жой биноси, 12 қаватли давлат хизматлари маркази, 100 га яқин савдо, маиший хизмат объектлари, шифохона ҳамда мактабни тиклаб, фойдаланишга топширган жамият бунёдкорлари эндиликда ана шундай улкан лойиҳани амалга оширишга киришди.

“Ақлли шаҳарча”нинг умумий майдони 12 гектардан иборат бўлиб, қиймати 720 милли-



ард сўмни ташкил этган “Смарт сити”даги турар жойлар сони 34 тани, шундан 16 та 8 қаватли, 2 та 9 қаватли, 1 та 12 қаватли, 4 та 15 қаватли, 8 та 16 қаватли, 1 та 20 қаватли, 2 та 25 қаватли ва 1 та 35 қаватли бинони ўзида камраб олади, шунингдек шаҳарча ҳудудида 70 та оила истиқомат қилишига мўлжалланган ҳар бири 200 квадрат метрдан иборат ҳовлилар ҳам қурилиб, 10 мингдан зиёд аҳоли яшашига имконият яратилади.

Бундан ташқари, шаҳарча аҳолисига хизмат

кўрсатишга мўлжалланган 25 та объект, жумладан, замонавий умумтаълим мактаб биноси, 800 ўринли хусусий МТТ, меҳмонхона, савдо мажмуаси, стоматология, тиббий марказ, универсал спорт ўйингоҳи, очиқ ва ёпиқ болалар майдончалари, 1 000 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли аёллар маркази, 1 минг 760 та ер ости ва 780 та ер усти автотураргоҳлар қад ростлаётган.

“Хумо Смарт сити”нинг яна бир афзаллик томони шундаки, барча муҳандислик-коммуникация тармоқлари 1 100 метр узунликдаги, эни 2 метру 70 сантиметрли, баландлиги 2 метру 10 сантиметрли ташкил қилувчи махсус ер ости йўли-туннель орқали ўтказилишидир. Бу эса шаҳарчадаги кўча ва хиёбонларнинг нўйрин бузилиши олдини олиб, коммуникация тармоқларидаги носозликларни бартараф этишни муаммосиз амалга оширишга ёрдам беради. Уйлар энергия тежамкор ҳисобланиб, турар жой қишлоқларининг барча деворлари газоблокдан қад ростламоқда. Ташқи деворлари 3 та қўламадан иборат. Яъни, газоблок, иссиқлик изоляция материали ва Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган фиброцемент плиталаридан бунёд этиляпти.

Туризм қишлоқлари кўпаймоқда

Самарқанд туманидаги Кониғил туризм қишлоғи бугунги кунда халқимизнинг бой ўтмиши, миллий анъаналарини ақс эттирувчи масканга айланмоқда. Айни пайтда ҳадис илми сўлтони имом Исмоил ал-Бухорий руҳи мангу кўним топган Хартанг қишлоғини янада ободонлаштириш, аллома мажмуасини қайта реконструкция қилиш ҳам амалга оширилмоқда.

Муҳими, қадамжо баробарида қўшни Чоштепа маҳалласидаги қурилиш-таъмирлаш юмушлари ҳам барчада катта қизиқиш уйғотаяпти. Бу ерда яна битта “Туризм қишлоғи”ни яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Янги манзил 28 та хонадонни ўз ичига олган бўлиб, алоҳида рамзий дарвозага эга. Ҳар бир уйда ўзига хос хизмат турлари, савдо-сотиқ йўлга қўйилаяпти. Аҳоли азалдан шуғулланган чорвачилик, асаларичилик, хўнарамданчилик турлари сақланиб қолинади. Сайёҳларга бу ерда халқимизнинг бой турмуш тарзи, машғулотлари билан танишишга имконият яратилади. Йўлларни таъмирлаш, электр тармоғини янгилаш, кўчаларни тунда ёритиш, ичимлик сув тармоғини яхшилаш каби юмушларга жадаллик билан киришилган. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан қарийб уч миллиард сўм йўналтирилгани ҳисобга олинса, унинг нақадар аҳамиятли экани кўзга яққол ташланиши шубҳасиз.

Айтиш жоизки, худди шундай туризм қишлоғини қуриш Ургут туманидаги Терсақ маҳалласида ҳам бошлаб юборилган. У ерда табиий шароитдан келиб чиқиб экотуризм ривожига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Мунозара клуби ташкил этилади



Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди.

– Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин ошиб бормоқда, – деди Э. Турдимов. – Табиийки, энг сара замонавий лойиҳалар, қурилиш ташкилотлари ва мутахассисларга талаб ҳам ортмоқда. Шу пайтгача бу талабни хориж ҳисобига қондиришга, яъни, хориждаги лойиҳа институтларига, архитекторларга, ҳатто қурувчиларга мурожаат қилишга мажбур эдик. Энди ўзимизнинг мутахассисларимиз ўша даражага етгапти, четда малака ошириб келяпти. Олий таълим тизимидаги янгилик ва ўзгаришлар туфайли ўзимизда ҳам ана шундай малакали, замонавий фикрлайдиган ёшлар қатлами юзага келди. Афсуски, улардан, уларнинг билим ва тажрибасидан самарали фойдалана олмаганимиз. Ҳайкал-

тарош, архитектор, дизайнер керак бўлса, аввалдан маълум бўлган бир-икки шу соҳа кишиларга мурожаат қилишга ўрганиб қолганмиз. Ёшларни эшитмаймиз, уларнинг фикрлари билан қизиқмаймиз.

Учрашувда вилоят ҳокими институт иқтидорли талабаларининг мунозара клубини ташкил этиш ва энг яхши гоа, ташаббусларни ўрганиб, уларни биргаликда муҳокама қилиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, бундан буён вилоят шаҳар-созлик кенгашининг йиғилишларига ҳам иқтидорли талаба ёшлар таклиф этилади, уларнинг фикрлари эшитиб борилади. Институтнинг ўзида ҳам бадиий-техник кенгаш ташкил этилади.

Институт ректори Чидем Туркйилмаз ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, клубга Туркиядаги етакчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини таклиф этишини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳашар йўли билан кўприк таъмирланди

Марат УЛПЕТОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Нукус тумани “Саманбай” ОФЙ ҳудудидаги 17-сонли умумтаълим мактабига олиб борувчи Каттағар ва Байтерек кўчасини боғловчи

кўприк яроқсиз аҳволга келиб қолгани боис, мактаб жамоаси томонидан ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди.

Кўшқанот овули ободонлашяпти

Бозатаў туманидаги 2-секторга қарашли “Қўшқанот” ОФЙ ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фуқароларнинг уй олди томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ташкиллаштириш, худудда табиий газ ва бошқа коммунал хизматларнинг сифатини яхшилаш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Туманга бириктирилган фарғоналик тадбиркорлар фуқароларнинг томорқаларига енгил конструкцияли иссиқхоналарни бепул қуриб беришяпти. Шунингдек, ёрдамга муҳтож оилаларнинг томорқа ерлари шугдорланиб, иссиқхоналарни ўрнатиш учун тайёр кўринишга келтирилди.

Қашқадарё вилояти

Лангар тоғларида канат йўли

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда туризм юртимиздаги иқтисодиёт тармоқларининг етакчи бўғинларидан бирига айланиб бораёпти. Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу соҳа ривожини йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, худудда туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги Лангар худудида тадбиркорлар ташаббуси билан 161 та эйрат туризми ва экотуризмга асосланган лойиҳалар амалга ошириляпти. Ҳозирда лойиҳа доирасида Кўкбулоқ, Уртадара, Чўққўқишлоқ, Каттаўра, Богобод маҳаллаларидан ўтган 36 км йўл-

ни асфальтлаштириш ва қум-шағал ётқизиш ишлари бошланган.

Маълумотларга кўра, ушбу қишлоқларда 50 та оилавий меҳмон уйлари, 30 ўтов уйлар ташкил этилади. Лойиҳа бюджети 18 млрд сўмни ташкил этиб, унинг амалга ошиши натижасида 350 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Мироқи сайёҳлар учун қулай манзилга айланмоқда

Шахрисабз туманидаги Мироқи шаҳарчаси экотуризм имкониятлари кенг бўлган, сайёҳлар ва дам олувчилар учун маъқул маскан ҳисобланади.

Шу мақсадда худуддаги Сувтушар, Гилон, Қўл каби хушманзара қишлоқларда экотуризмни ривожлантириш борасида янги лойиҳалар

амалга оширилмоқда. Ушбу худудларда ҳозиргача 15,4 километр йўлга асфальт ва 55,3 километр йўлга қум-шағал қўламаси ётқизилди. Шунингдек, вело ва пидедалар йўлақлари қуриш мақсадида 2,2 километр пидедалар, 1,8 километр велойўлақлар барпо этиш ва ушбу йўлақлар бўйлаб 58 та ёритиш устуналари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

300 ишчи ўринли фабрика ишга туширилади

Қасби туманида фаолият юритаётган “Naxshab Tex group” МЧЖ кластери Тинчлик маҳалласи худудида тикувчилик фабрикаси қуриш ишларини бошлади.

Амалга оширилаётган мазкур лойиҳа қиймати 22 млрд 300 млн сўмни ташкил этиб, шундан тадбиркорнинг ўз маблағлари 10 млрд сўм,

банк кредити 12 млрд 300 млн сўмдан иборат. Фабрика ишга тушса, 300 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Маҳаллий қурилиш материаллари сифати ортмоқда

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Одатда уй харид қилиш учун қурувчига муурожаат этиб, бинонинг сифатига қизиқсангиз: “Хавотир олмагн, қурилишга ишлатилган материаллар хориждан импорт қилинган”, қабилида жавоб оласиз. Эндиликда вазият ўзгарди. Юртимизда бунёдкорлик жараёнининг ривожланиши билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳам юксалди.

Бугун республикадаги йирик реконструкция ишларида маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланил-япти. Улар хорижий қурилиш фирмалари томонидан мақбул кўрилётгани, миллий қурилиш саноатимизнинг юксалишига сабаб бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида қурилаётган ўзбек-турк қурувчиларининг бунёдкорлик меваси бўлган “Акау city” комплекси шулардан биридир. Айтиш жоизки, турар жой мажмуасининг қурилиши замонавий стандартларга уй-ғун шаклда ташкил этилиб, бу ишларда экспорт материаллари қаторида маҳаллий қурилиш материалларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

– Шу пайтга қадар қурилиш материалларининг асосий қисми четдан олиб келинарди, – деди корхона муҳандиси Султонхон Яхёев. – Маҳаллий ишлаб чиқарилган материалларнинг сифати халқаро стандартларга тўғри келмас эди. Эндиликда вазият ўзгарди, керакли автоклавланган газоблок мате-ри-

лини ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилардан харид қиляпмиз. “Arton” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилаётган автоклавланган газоблоклар хорижий стандартлар асосида тайёрланади. Илгари бу маҳсулотларни Туркманистон ва Қозғистондан олиб келар эдик. Фасадни беркитувчи, уйлارни бўлувчи мазкур газоблоклар ҳароратга чидамли бўлиб, 240 дақиқагача ёнғинга бардош бера олади. “Акау city” биноларининг асосий каркаси монолит темир бетондан қурилган. Бино фасадини шакллантиришда янги технология бўйича тайёрланган синтерфлекс материалдан фойдаланил-япти. Бунинг афзаллиги – энгиллигадир. Бинога қанча кам юк туша шунача оз босим бўлади. Шунингдек, бетонлаш ишларининг таянчи ҳисобланган юқори эгилувчан арматуралар бевосита маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинмоқда.

Айтиш жоизки, 2018 йилдан бошлаб юртимизда “Акау city” корхонасининг реклама ишлари бошланган. Биринчи навбатда компания мутахассислари келиб қурилиш учун мақбул жойни танлаган. Бу ерда яшайдиган аҳоли билан ўзаро компенсация келишувлари нини амалга оширган. 2019 йилнинг бошидан комплекснинг биринчи катлаванини қазиб ишлари бошланган. Ҳозирда 1 350 хонадонли мазкур йирик турар жой мажмуасининг 3 та блогида ишлар қизғин давом этмоқда. Мазкур мажмуа баланглиги ҳар хил бўлган ол-тита блокдан иборат бўлиб, носиметрик тарзда жойлашган 3 та турар жой биноси, марказда 35 қаватли энг баланд иншоот ва унинг икки тарафда 25 қаватли 2 та бинодан иборат бўла-

ди. Комплекс лойиҳаси Туркиянинг энг яхши архитекторлари томонидан ишлаб чиқилган. Лойиҳа қозоқ ва плита пойдевори техникасида амалга оширилган бўлиб, бу унсурлар бинонинг 9 баллагача зилзилабардошлилигини таъминлашга хизмат қилади. Замонавий гидроизоляция, шовқин, иссиқлик изоляцияси технологиялари, шунингдек, цемент М-500, бетон М-600 каби материаллар, монолит блоклар асосида барпо этилмоқда.

Мазкур бинонинг ертўла қисмида икки қаватли автотураргоҳ, биринчи ва иккинчи қаватлари офис, дўкон ва супермаркетлар, хусусан, ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларидан иборат бўлади. Айтиш жоизки, комплекснинг бутун бинолари кўприк орқали туташтирилади. Ёнғин хавфининг олдини олиш мақсадида иншоотнинг ўн бешинчи қаватидан сўнг автоматик ёнғин ўчирувчи мосламалар ўрнатилган.

– Фирмаимиз Туркияда асосан ижтимоий объектлар, давлат идораларининг биноларини қуради, – деди “Акау city” фирмаси ходими Юсуф Қўшер. – Бундан ташқари, компаниямиз томонидан қурилган турар жой биноларида “Smart house” – ақли уй системаси қўлланилади. Шунингдек, бу биноларнинг ташқи фасад қисмларига қуёш панеллари ўрнатилган. Бу унсурлар биноларининг электр сарфини камайтиришга йўналтирилади. Ўзбекистонда ҳам қурилишларнинг ривожланиши ортита бу каби технологик уйлارнинг қурилиши кўпаймоқда. Мазкур турар жой комплекси ҳам бевосита ақли уй тизими бўйича масофадан бошқарув хусусиятларига эга бўлади.

TENDERDA ISHTIROK ETISH UCHUN TAKLIFNOMA!

“Xorazm hududiy elektr tarmoqlari” AJ

tomonidan xususiy-sherikchilik asosida o‘tkaziladigan tenderda ishtirok etishga ishtirokchilarni taklif etamiz va quyidagi ob’ekt bo‘yicha tender taklifini taqdim etilishini so‘raymiz.

Ob’ekt nomi: “Xorazm hududiy elektr tarmoqlari” AJ tarkibidagi Urganch shahar elektr ta’minoti korxonasining mavjud bino va inshootlarini buzib olib uning o’rnida birinchi va ikkinchi qavatlar Urganch SHETK uchun ma’muriy bino va yuqori qavatlarida ishchi-xodimlar uchun ko’p qavatli ko’p xonadonli turar-joy binolarini xususiy sherikchilik asosida qurish.

Buyurtmachi: “Xorazm hududiy elektr tarmoqlari” AJ.

Manzil: Urganch shahri, Xonqa ko’chasi 38-“a” uy.

Buyurtmachi talabi: Urganch shahri, Xonqa ko’chasi 38-“a” uy manzilida joylashgan Urganch SHETKA tegishli umumiy yer maydoni 2 068,47 m² shundan, **qurilish oti maydoni** – 753,36 m² bo’lgan hududni buzib olib uning o’rnida birinchi va ikkinchi qavatlar Urganch SHETK uchun to’liq ta’irlangan, hamda jihozlangan, ishlash uchun tayyor holatda (pod klyuch) ma’muriy bino qurib berish, hamda buyurtmachi buning eva-

ziga mазkur quriladigan binoning yuqori qavatlarini (ikkinchi qavatidan yuqori qismini) tanlov ishtirokchisi ixtiyoriga ko’p qavatli ko’p xonadonli turar-joy qurib, undan o’zi xususiy mulk sifatida foydalanish maqsadida topshiradi.

Ob’ektning boshlang’ich narxi (QQS bilan) – tanlov g’olibi tomonidan ishlab chiqilib, o’rnatilgan tartibda ekspertizadan o’tkazilgan loyiha-smeta hujjatlariga asosida belgilanadi.

Ishlarni tugallash muddati – 360 kun.

Ob’ektni moliyalashtirish manbasi: tanlov g’olibi, xususiy sherik tomonidan moliyalashtiriladi.

Taklif etilgan shartlar bo’yicha tenderda murojaat bilan mahalliy va xorijiy qurilish tashkilotlari ishtirok etishlari mumkin. Ikki yoki undan ortiq pudrat tashkilotlari birgalikda (konsortium tashkil etish orqali) ishtirok etishlariga ruxsat etilmaydi.

Tenderda ishtirok etishi uchun ishtirokchilarga quyidagi talablar qo‘yiladi:

- fuqarolik-muomala layoqati vakolatlari va shartnoma tuzish vakolati borligi;
- tender qatnashchisining bank hisob raqamida eng kamida 3 mlrd so‘m miqdorida aylanma mablag‘lari mavjud bo‘lishi yoki ko‘rsatilgan mablag‘larni taqdim etish haqidagi bank kafolati mavjudligi;
- doimiy xodimlari, jumladan muhandis-texnik xodimlariga ega bo‘lishi;
- ishlab turgan asosiy vositalari, shu jumladan ishlab chiqarish bazasi, mashina va mexanizmlar, kichik mexanizatsiya vositalariga ega bo‘lishi;
- o‘z aylanma mablag‘lari bilan ta‘minlanganligi (ko‘rsatkich 0,2 koeffitsientdan kam bo‘lmagan);
- to‘lovga qodirligi (ko‘rsatkich 1,25 koeffitsientdan kam bo‘lmagan);
- tender ob’ektiga o‘xshash ob’ektlarda ayniqsa, ko‘p qavatli ko‘p xonadonli turar-joy binolarini qurilishi bilan bog‘liq tajribasi mavjudligi;
- bajarilgan ishlar, shu jumladan o‘z kuchi bilan oldin bajarilgan ishlar hajmi haqidagi ma‘lumotlarni taqdim etish;
- tender qatnashchisining qurilish sohasidagi elektron reyting darajasi eng kamida “CC” darajada bo‘lishi lozim;
- ustav jamg‘armasi miqdori to‘g‘risidagi ma‘lumotlar.

Quyidagi ishtirokchilarga tender jarayonlarida ishtirok etishga ruxsat berilmaydi:

- qayta tashkil etilish (bo‘linish, qo‘shilish), tugatish yoki bankrotlik arafasida turganlar;
- mol-mulki musodaraqa olinganlar, hamda muassislik kelishuv, moliyaviy ishtirok, xolding va boshqa shaklda ifodalangan bevosita tashkiliy-huquqiy yoki bir-biriga moliyaviy qaramligi mavjudlar.

Tender taklifini tayyorlash va taqdim etish uchun kerakli barcha hujjatlar tender ishtirokchilari uchun yo‘riqnomada aks ettirilgan.

Tender ishtirokchilari tanishib chiqish va tender taklifini tuzish maqsadida, tender predmetining loyiha hujjatlarini, xususan, loyihaning grafik qismi (chizmalarini) taqdim etilishi haqida buyurtmachiga murojaat qilishga haqli.

Buyurtmachi ob’ektning loyiha hujjatlarini, shuningdek uning grafik qismini (chizmalarining nusxasi yoki elektron varianti)ni tender ishtirokchilariga ularning birinchi talabidanoq taqdim etishga majbur.

Tender ishtirokchilari o‘z takliflarini Urganch shahri, Xonqa ko‘chasi, 38-“a” uyda ish kunlari soat 9.00 dan 18.00 gacha qabul qilinadi, tender takliflarini taqdim etishning oxirgi muddati 2022 yil 11-mart kuni soat 17.00 gacha qilib belgilandi.

MAS‘UL SHAXS TELEFON RAQAMI: 93-922-34-34.

“Семурғ” ИФ

АКЦИЈДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Семурғ” инвестиция фонди акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 24 март куни соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 2-уйда бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти соат 9.00 дан 10.00 гача.

Кун тартибдаги масалалар:

1. 2021 йил молиявий фаолияти якуни бўйича “Семурғ” ИФ ишончли бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. 2021 йил якуни бўйича қузатув кенгаши ҳисоботи.
3. 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи.
4. 2021 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобоварағини тасдиқлаш.
5. 2021 йил молиявий фаолият якунига кўра соф фойдани тасдиқлаш.
6. 2021 йил якуни бўйича аудитор хулосаси, 2022 йил учун жамият аудитори ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини тасдиқлаш.

7. ИФнинг 2022 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. “Семурғ” ИФ қузатув кенгашини сайлаш.
9. “Семурғ” ИФ тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. ИФ уставини ва устав жамғармасини ўзгартириш тўғрисида.

11. ИФ уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

12. ИФ устав жамғармаси ўзгариши муносабати билан эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2022 йил 28 февраль ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 20 март ҳолатига тузилади. Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Қузатув кенгаши.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 22 февралдаги 08-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 10 январь, 16, 18 февралдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2 кўчаси, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	5220	Кольцо 583 пр. о/в 1,55 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,66 гр.	1 451 100,00
2.	5242	Серьги 583 пр. о/в 8,29 гр.	1 676 330,00
3.	5350	Серьги 583 пр. о/в 4,35 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,70 гр.	2 612 956,53
4.	5425	Серьги 583 пр. о/в 6,18 гр.	1 508 740,70
5.	5446	Часы “Чайка” с зол/ брасл/ с/н 28440 583 пр. о/в 19,44 гр.; браслет 585 пр. о/в 6,65 гр.	8 505 546,00
6.	5576	Цепь 583 пр. о/в 6,34 гр.	2 020 740,00
7.	5706	Цепь 583 пр. о/в 10,47 гр.; браслет 583 пр. о/в 3,83 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,74 гр.	7 037 410,00
8.	5734	Цепь 585 пр. о/в 3,56 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,46 гр.	3 022 752,92
9.	5983	Кольцо 583 пр. о/в 2,58 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,40 гр.	2 670 038,70
10.	5990	Серьги 583 пр. о/в 2,74 гр.	1 269 300,00
11.	6018	Серьги 583 пр. о/в 2,91 гр.	1 148 100,00
12.	6034	Кольцо 583 пр. о/в 1,75 гр.	633 000,00
13.	6035	Браслет 583 пр. о/в 4,63 гр.; серьги 583 пр. о/в 2,73 гр.; Кольцо 585 пр. о/в 4,53 гр.	4 496 250,00
14.	6064	Кольцо 583 пр. о/в 2,05 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,04 гр.	1 648 050,00
15.	6072	Серьги 583 пр. о/в 4,54 гр.	1 542 000,00
16.	6114	Серьги 583 пр. о/в 4,17 гр.	1 784 400,00
17.	6119	Кольцо 583 пр. о/в 1,57 гр.	596 640,00
18.	6139	Браслет 583 пр. о/в 1,45 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,15 гр.	1 663 200,00
19.	6189	Цепь 750 пр. о/в 15,99 гр.	7 845 006,00
20.	6200	Серьги 583 пр. о/в 4,81 гр.	1 299 600,00
21.	6226	Кольцо 583 пр. о/в 5,86 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,70 гр.	2 235 102,40
22.	6292	Часы с зол. брасл. CNP 296675 583 пр. о/в 17,98 гр.	2 526 750,00
23.	6324	Кольцо 585 пр. о/в 1,34 гр.	549 843,67
24.	6349	Цепь 583 пр. о/в 9,21 гр.	3 814 500,00
25.	6377	Браслет 583 пр. о/в 15,46 гр.; серьги 583 пр. о/в 5,87 гр.; серьга 1 шт. 583 пр. о/в 2,44 гр.; браслет 583 пр. о/в 1,86 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,26 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,80 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,98 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,25 гр.	16 548 984,00
26.	6378	Серьги 583 пр. о/в 5,14 гр.; серьга 1 шт. 583 пр. о/в 2,28 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,35 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,73 гр.; кольцо 375 пр. о/в 3,35 гр.	6 122 148,00
27.	6395	Кольцо 583 пр. о/в 4,99 гр.	1 693 500,00
28.	6417	Серьги 750 пр. о/в 4,08 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,55 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,91 гр.	5 329 500,00
29.	6433	Кольцо 750 пр. о/в 3,52 гр.	2 087 400,00
30.	6485	Серьги 583 пр. о/в 2,41 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,51 гр.	1 814 700,00
31.	6491	Серьги 583 пр. о/в 6,64 гр.; кольцо 583 пр. о/в 6,10 гр.	4 308 390,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
32.	6503	Перстень 583 пр. о/в 3,05 гр.	1 188 449,50
33.	6521	Кулон 585 пр. о/в 1,08 гр.	481 500,00
34.	6579	Кольцо 583 пр. о/в 8,84 гр.	3 057 000,00
35.	6580	Серьги 583 пр. о/в 0,96 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,29 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,74 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,16 гр.	4 768 950,00
36.	6589	Цепь 583 пр. о/в 5,95 гр.; кулон 583 пр. о/в 1,31 гр.	3 208 500,00
37.	6681	Колье 583 пр. о/в 16,38 гр.; цепь 583 пр. о/в 14,80 гр.; серьги 583 пр. о/в 5,61 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,21 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,70 гр.	17 504 040,00
38.	6701	Серьги 583 пр. о/в 3,33 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,76 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,80 гр.	2 481 300,00
39.	6740	Кольцо 585 пр. о/в 2,23 гр.	769 350,00
40.	6746	Браслет 583 пр. о/в 8,17 гр.	3 738 750,00
41.	6823	Серьги 583 пр. о/в 3,53 гр.	1 632 900,00
42.	6879	Кольцо 585 пр. о/в 1,81 гр.	742 080,00
43.	6911	Кольцо 583 пр. о/в 2,34 гр.	784 500,00
44.	6947	Перстень 583 пр. о/в 5,60 гр.	2 006 499,00
45.	6950	Серьги 583 пр. о/в 2,72 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,55 гр.	1 329 900,00
46.	6981	Серьги 583 пр. о/в 5,38 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,26 гр.; кулон 583 пр. о/в 1,28 гр.	3 462 100,90
47.	7016	Серьги 583 пр. о/в 5,89 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,30 гр.	2 148 000,00
48.	7025	Кольцо 583 пр. о/в 2,30 гр.	966 300,00
49.	7038	Браслет 583 пр. о/в 5,74 гр.; серьги 583 пр. о/в 5,13 гр.	4 167 192,00
50.	7072	Серьги 583 пр. о/в 6,25 гр.	2 451 000,00
51.	7172	Кольцо 583 пр. о/в 4,96 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,25 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,11 гр.	3 208 500,00
52.	7180	Кольцо 583 пр. о/в 7,36 гр.	1 959 089,60
53.	7210	Кольцо 583 пр. о/в 5,18 гр.	1 864 018,30
54.	7211	Кольцо 583 пр. о/в 3,26 гр.	1 511 700,00
55.	7327	Цепь 583 пр. о/в 5,19 гр.; цепь 583 пр. о/в 4,68 гр.; колье 583 пр. о/в 10,58 гр.; браслет 583 пр. о/в 4,70 гр.; браслет 585 пр. о/в 5,02 гр.; серьги 583 пр. о/в 5,07 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,23 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,49 гр.	18 767 550,00
56.	7393	Серьги 583 пр. о/в 4,23 гр.; серьги 583 пр. о/в 6,83 гр.	4 299 300,00
57.	7399	Серьги 583 пр. о/в 4,66 гр.; серьги 583 пр. о/в 2,49 гр.	2 754 000,00
58.	7446	Кольцо 583 пр. о/в 2,91 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,45 гр.	2 102 081,36
59.	7467	Серьги 583 пр. о/в 3,75 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,44 гр.	2 511 600,00
60.	7489	Кольцо 583 пр. о/в 5,42 гр.	2 270 331,20
61.	7674	Кольцо 585 пр. о/в 2,37 гр.; браслет 585 пр. о/в 7,61 гр.	3 814 500,00
62.	7697	Кольцо 583 пр. о/в 1,55 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,02 гр.	1 390 500,00
63.	7790	Кольцо 583 пр. о/в 4,93 гр.	2 102 550,00
64.	7848	Кольцо 583 пр. о/в 2,14 гр.	481 500,00
65.	7855	Серьги 583 пр. о/в 4,62 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,19 гр.; серьги 583 пр. о/в 2,76 гр.	4 632 600,00
66.	7856	Серьги 583 пр. о/в 4,53 гр.	1 542 000,00
67.	7885	Кольцо 583 пр. о/в 1,94 гр.	845 100,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
68.	7901	Кольцо 750 пр. о/в 2,45 гр.; кольцо 750 пр. о/в 3,30 гр.; цепь 583 пр. о/в 4,67 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,34 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,65 гр.	7 859 550,00
69.	7943	Кольцо 583 пр. о/в 3,33 гр.	1 264 850,95
70.	7952	Цепь 583 пр. о/в 8,12 гр.	3 708 450,00
71.	7979	серьги 583 пр. о/в 1,25 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,91 гр.	2 299 500,00
72.	8066	Кольцо 583 пр. о/в 2,35 гр.	985 338,50
73.	8082	Кольцо 583 пр. о/в 3,50 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,47 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,56 гр.	4 269 000,00
74.	8142	Браслет 583 пр. о/в 3,66 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,50 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,72 гр.	2 761 059,90
75.	8149	Кольцо 583 пр. о/в 3,58 гр.; серьги 583 пр. о/в 6,24 гр.	4 269 000,00
76.	8193	Серьги 583 пр. о/в 5,13 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,16 гр.; серьги 583 пр. о/в 1,49 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,3	

369,4 млн долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилади

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан ўтказилган навбатдаги брифинг соҳада жорий 2022 йилда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳаларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида жорий йилнинг ўзида 172,7 млн доллар ўзлаштириш кўзда тутилган.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида, уюшма томонидан 2022 йилда умумий қиймати 369,4 млн долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш ва 1 035 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Йирик инвестиция лойиҳалари асосан Тошкент, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади. Хусусан, "Қизилқумцемент" АЖда 126 млн доллар инвестиция ҳисобига йилга 1,8 млн тонна клинкер (4-линия) ишлаб чиқаришни ташкил этилади. Натияжада корхона қўшимча қувватга эга бўлади. Тошкент шаҳрида эса "Ориент Керамик" МЧЖ томонидан йилга 9,0 млн.кв.м керамик плиткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 42 млн долларни ташкил этади.

– Унга кўра, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида қуввати 300 минг куб метр бўлган газобетон блокларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси режалаштирилган. Наманган, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида Гипс ва гипсокартон листлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Жиззах вилояти табиий ресурсларидан келиб чиқиб Архитектура ва автомобиль ойнасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби жами 11 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Ҳозирда юқоридаги улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторлар ва лойиҳани молиялаштириш манбалари аниқланмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги турдаги импорт ўрнини босувчи цемент, қуур ва геосеткалар керамогранит, бурама михлар, мрамар, травертин ва гранит плиталари, темир-бетон, керамик плиткалар, гипсокартон листлари, газобетон ва пенобетон блоклари каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманида умумий қиймати 50 млн доллар инвестиция ҳисобига "Қорақалпоқцемент" МЧЖ ҚҚда цемент ишлаб чиқариш йўлига 1,1 млн тоннага кенгайтириш ишлари амалга оширилиши натижасида 150 та янги иш ўрни яратилади. Қармана туманида "Gazgan Marble Group" МЧЖ томонидан йилга 300 минг квадрат метр мрамар жинсларидан композиция материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Тошкент вилоятида "AKFA BUILDING MATERIALS" МЧЖ ХК томонидан йилга 450 минг куб метр газобетон блокларини ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия, Хиндистон, Германия, Франция, Беларуссия ва Жанубий Корея мамлакатларига давлат таширифи доирасида замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида илгор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 2 млрд 295 млн долларлик 44 та Меморандум ва Келишувлар имзоланди. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг Баёнлари билан амалга оширилган лойиҳалар назоратдан чиқарилиб, янги "Йул хариталари" тасдиқланган. Унга кўра "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан 13 та лойиҳа 2022-2023-йилларда ишга туширилиши режалаштирилган.

Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 11,6 млн долларлик экспорт имкониятлари кенгайтирилади, шунингдек, 86,3 млн долларлик импорт қисқартурилади.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан 2022 йил истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳам шакллантирилган, – деди уюшма Матбуот котиби Жамшид Шерметов.



Райҳона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Роппа-роса бир ой олдин юртинизда электр энергияси, сув, иссиқлик тизимини узатиш бўлиб, юртдошларимиз анчагина овора бўлиб қолишган эди. Ўша пайтда энди одамлар бу таянч неъматларини қадрига етиб, авайлаб-асраса керак деб ўйлаган эдим. Аммо... орадан бир ой ўтар-ўтмас аксарият юртдошларимиз эски одатларини қўқисиб қолишганига гувоҳ бўляпмиз. Ўшанда нималар бўлганини бир эслаб қўрайлик-а!?

Ҳаммаси ўша кун, чироқ тўсатдан ўчиб қолганида бошланди...

Ўша кун барчанинг белгиланган режалари беҳуда кетди. Ҳўётган китоби, ёзаётган шеъри, тикаётган кийими, пишираётган таоми, қайнатаётган чойи, тинглаётган кўшиғи, кўраётган фильми, юраётган йўли, тараётган ғишти, улаётган сими, ҳамма-ҳаммаси бир зумда тўхтади-қолди.

Ўша кун светофорлар ўчиб, ёнлиги қўйиш шохобчалари вақтинча ишлагани боис, кўпчилик кўчада қолди. Баъзи "учар" кирақашлар эса вазиятдан унмил фойдаланиб, беш минглик йўлга 15-20 минггача йўл ҳаққини ундирди.

Ўша кун одамлар оддий кунларда қайрилиб ҳам қарамайдиган, фақат тургилар кунлардагина ёдга оладиган шағамлар "анқонинг уруғига" айланди. 1000-2000 сўмлик шағамларни баъзи сотувчилар 10-20 минг сўмдан ҳам пуллашди. Мажбур бўлган халқ пулни бетига қарамай олди.

Ўша кун уруш даврида етим болаларни бағрига олган, танимаган, беш-бегона миллат вакилларига еб турган нонини тутишдан ҳам инжилмаган халқнинг авлоди эканини кўпчилик унутди.

Ўша кун қизимга пул бериб, беш литрлик сув олиб келишни тайинласам, қўлида иккита 0,5 литрлик сув билан қайтиб келди. Чунки бошқа кунлари 6-7 минг сўм бўлган 5 литрлик сувлар 18-25 минггача, у ҳам катта навбат билан тала-тала қилинди. Виждонини еворган баъзи сотувчилар отнинг ўлими итнинг байрами деганларидек, ўзларида мавжуд захира маҳсулотларни икки, уч баробар нархда "ўтказишди".

Ўша кун газ ўчгани боис, кўп қаватли уйларда яшайдиган кишилар кўчадан таом олиб келиб фарзандларини қорнини тўйдирди. Баъзи кафедралар одамларнинг навбати ҳатто катта кўчага қадар қўзилди. Хар кун 20 мингдан сотиладиган бир кишилик таомлар ўша кун икки баробар нархга "пулланди".

Ўша кун муздек темир уйларда ётишга мажбур бўлган гўдаклар ва қариялар эртаси кун шамоллаб уйғонинди.

Ўша кун ким учундир энг қоронғи тун, кимгадир энг совуқ тун бўлди.

Ўша кун... Шукрки, кўп яхши нарсаларга ҳам гувоҳ бўлдик.

Ўша кун бир дўконга кириб шағам олиб, пулни тўлайман десам, олишмади. Аксинча, керагича шағам олиб, эвазига чин дилдан дуо қилиб қўйишимни сўрашди холос. Бир яхши азмолни ортидан улкан режалари амалга оширишдан умидвор савобталаб инсонлар кўчаларда сув, нон ва шағам каби маҳсулотларни халққа текинга тарқатишди.

Ўша кун аслида нима бўлган эди? Ўша, 25 январь кун соат 11.00 атрофида Тошкент шаҳрининг қарийб барча туманларида электр энергияси узилди қолди. Кейинчалик нафақат пойтахт, балки Ўзбекистоннинг аксарият ҳудуди "свят"сиз қолгани маълум бўлди.

Кўшни Қозғонлар ва Қирғизистоннинг бир қанча йирик шаҳарлари ҳам электр таъминотидан узилгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Ўша кун энергетик коллапс метро ҳаракати ва сув таъминотида ҳам муаммоларни келтириб чиқарди. Қўтилмаганда содир бўлган узилш туфайли Тошкент метрополитенининг иши тўхтади. Кейинчалик ҳаракатланиб кетаётган метро вагонлари бекатлар орасида қолиб кетгани аниқланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг хабар беришича, "Тошкентметрополитени"нинг "Машинасозлар" (135 нафар), "Бодомзор-Минор" (70 нафар) ва "Амир Темир" (210 нафар) бекатлари оралиғида (вагонлар ичида) қолиб кетган жами 415 нафар йўловчи олиб чиқилди.

Ўша кун қатор йўналишлар бўйича ҳаракатланган поездларнинг манзилига етиб бориши кечиккан бўлса, Қарши, Термиз, Кўнғирот ва Бухоро шаҳарларидан Тошкентга бориши керак бўлган юқори тезликдаги "Афросиёб" ва бошқа электрлаштирилган йўналишлардаги поездлар ҳаракати тўхтатилди. Ижтимоий тармоқда теозорар "Афросиёб" поездининг "паровоз" тортиб кетаётгани акс этган видео тарқалди.

Ўша кун электр энергияси тармоқларида рўй берган узилшлар оқибатида Тошкент шаҳрида лифтда қолиб кетган 51 нафар фуқаро коммунал соҳа ташкилотлари ва кўтқарувчилар томонидан чиқариб олинди. Жумладан, Термиз осма йўлларда қолиб кетган 80 кишини кўтқарди. Amirsoy дам олаш масканида эса электр тезда қайта тиклангани учун ФВВ ёрдамига эҳтиёж бўлмади.

Ўша кун энергоколлапс автомобиллар қатновига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Тошкент йўлларида тирбандлик юзага келди. Тошкент шаҳридаги кўплаб светофорлар ишлай қолди, бунинг оқибатида йўлларда маълум муддат тирбандликлар юзага келди. Бироқ ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари зудлик билан вазиятни қўлга олиб, светофорлар ишлаймаётган чорраҳаларда автомобиллар ҳаракатини тартибга солишди. ИИВ Давлат йўл

ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари матонат билан хизмат қилиб, шаҳримиз тинчлигини таъминлашда катта жонбозлик кўрсатди.

Ўша кун Ўзбекистонда Президент топшириғига биноан, электр энергияси таъминотида юзага келган носозликлар сабабини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Бош вазир ҳузурда ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссия томонидан биринчи навбатда генерация жараёнини тиклаш ҳамда юқори ва паст кучлиликли электр тармоқларига кучлини бериш орқали истеъмолчиларнинг электр таъминотини тиклаш вазифаси қўйилди.

Ўша кун Энергетика, Фавқулодда вазиятлар, ИИВ, Соғлиқни сақлаш, Уй-йой ва коммунал хўжалиги вазирликлари ўз йўналишларида барча сафарбарлик ҳаракатларини амалга оширди.

Ўша кун савдо-сотик фаолиятида ҳам қийинчиликлар кузатилди, одамлар фақат нақд пулга савдо қилишга мажбур бўлишди.

Ўша кун ҳатто айтишларича, кимлардир гугурт, ун, ёғ каби қўндалик эҳтиёж маҳсулотларини ҳам захира қилишга улгурди.

Ўша кун... Ҳа, айнан ўша кун биз кўп нарсани қадрлашни, тежашни, қадрига етишни ўргандик.

Ўша кун кўпчилик керак бўлса-бўлмаса ёниқ турадиган чироқ ва газларни ўз вақтида ўчиришни ўрганди. Баъзи одамлар соатлаб оқизиб қўядиган сувни беҳуда оқизганини ўйлаб, афсусланди. Биргина тиш ювиш учун литрлаб эмас, бир стакан сув ҳам етиши мумкинлигини тушуниб етди.

Ўша кун олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деган нақлни кўпчилик тилга олди. Сув, чироқ, газ каби биз учун оддий ҳолга айланган, баъзан арзимасдек туолган нарсалар аслида ҳаётимиз мазмуни эканлигини мана шундай тасодий ҳолатлар сабаб янада тараққий қилди.

Ўша кун кўнғилимиздан кўп ўй кечди. Ахир, бундан ҳатто 40-50 йил аввал ота-боболаримиз свет, газ нима эканини билмагани, қишнинг совуқ қора кунларида ўчоқда гўзапола ёқиб, овқат пишириб, чой қайнатилганини эсладик (Баъзи қиш-лоқларда бу вазият ҳамон ўша-ўша). Ер юзининг қанча жойида чироқ, газ ва сувсиз яшаётган аҳоли борлигини ўйладик.

Ўша кун фарзандим борадиган боғчининг телеграм каналда шундай ёзибди: "Ассалому алайкум ҳурматли ота-оналар, бугунги вазият фарзандингизга эртаси ва турли ҳаётини воқеаларни сўзлаб бериш учун яхши имконият. Болаларга буви-боболари электрсиз қандай ҳаёт кечирганини тушутирдик. Ота-оналарингиз билан бугун кўпроқ суҳбатлашасиз десак, улар "Ойимиз ва адамиз биз билан гаплашмайди, доим телефон уйнайди" дея жавоб беришди. Хулоса эса ўзимиздан, бугунги синовни яхши томонини кўриб, фарзандингиз билан суҳбатлашингиз ва улар билан яқинроқ бўлинг!".

Ўша кун ҳар бир ишда ҳикмат бор, деган гапга яна бир бор амин бўлдим. Чунки оила аъзоларимиз, фарзандларимиз билан яқин бўлиб, дилдан суҳбатлашдик. Телевизор, компьютер, планшет ва смартфонларсиз оила даврасида ўтириш нақадар бахтли дамлар эканини ҳис қилдик.

Ўша кун яна бир нарса ҳақида ўйлаб қолдим. Свет йўқлиги боис, телевизордаги маза-бемаза сериалларни кўриб бўлмади, телефонлар қувватсиз қолди, боларни ҳам алоқа яхши эмаслиги туфайли интернетга кириш қийинлашди. Шу вазиятда бафуржа газетани арақлаб ҳаётдан хабардор бўлишга нима етсин?! Уйлаб қарасак, ўша кунгидек қўтилмаган вазиятларда газетани ишончли алоқа воситасига айланар экан. Демак газетани ҳар қандай вазиятда ҳаммамиз учун энг ишончли ахборот манбаидир. Оддийгина манзил, бир ой олдинги воқеалар ҳақида энг ишончли маълумотни олиш учун ҳам биргина газетани арақлаб қиёф қилди. Турли сайтлардаги хар хил хабарлардан кўра, газета ишончли манбаа эканлигини яна бир қарра англадим.

Ўша кун...



ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳих **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУҚ, «ЎЗАХАРОСЗИЛКЛИТИ» ДУҚ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУҚ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzibunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – F-243. 2521 нусxada босилди. Қозғ бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъулул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳўжаева.

ЎЗА якуни – 02.59.
Топшириди – 03.30.

ТУГИЛГАН КҮНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хўжалик мудири Эшмуҳаммад Халилов,

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Рамазон Нарзиев**, ижро интизомаси бўйича масъул **Замира Ибрагимова**, ҚИМИ бўлими етакчи мутахассиси **Муроджон Раҳмонов**,

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи **Шерзод Шадмонов**,

Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборатория бошлиғи **Баннотжон Сатов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигини риоя қилиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Шынберген Сейдуллоев**,

"Шаҳарсозлик хўжжатлари экспертизаси" ДУҚ Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Ўктам Жўраев**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Шавкат Матқўб**ов, Ҳазорасп тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Баҳромбой Шакир**овларини таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

ЯХШИЛАР ЁДИ ЭЪТИБОРЛИ ВА ЭЪТИРОФЛИ ОЛИМ ЭДИ

Акрам СУЯРОВ,
ЎзФА Иммунология ва инсон геномикаси институти лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Рус қишлоғида таваллуд топган Неъматилла Араловда шифокорликка ҳавас болалигидан бошланганди. Орзуси йўлида сабот билан ўқиб ўрганди, изланди. У кишининг умр дафтарига назар ташланса, захматкаш, фидойи, жонқуяр шифокор сифатида яшаганлигига далолат топади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олгач, Самарқанд шаҳар марказий шифохонасида дастлаб терапевт вазифасида, сўнгра шу бўлим мудири бўлиб ишлади. 2009 йилгача эса мазкур шифо муассасасининг аллергология-пульмонология бўлимининг бошқарди. Кейин Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 4-ички касалликлар кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди. Неъматилла Аралов 1998 йилдан виллоят ССБ бош пульмонологи, пульмонология ва аллергология бўлими мудири вазифаларида ҳам меҳнат қилганини таъкидлаш жоиз.

Тиббиётнинг соҳалари бисёр, йўналишлари кўп. Неъматилла ака ўз ҳаётини пульмонологияга бағишлади, 1994 йили фан номзоди даражасини олди, 2005 йили эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Зукко олим томонидан 220 дан ортақ илмий иш, иккита монография, 18 та ўқув-услубий қўлланма тайёрланиб, чоп этилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда пульмонология соҳасининг тараққиётига ҳисса қўшиб, ўзига хос илмий-назарий таянч вазифасини ўтаб келмоқда. Неъматилла ака хорижда, хусусан, Европа ва МДҲ мамлакатларида ҳамда республикамизда ўтказилган кўплаб илмий-амалий анжуманлар, конференцияларда фаол иштирок этиб, имтиёзли дипломлар ҳамда сертификатлар билан тақдирланди.

Устоз илмий-назарий салоҳиятини амалий маҳоратига пайваста қила олган терапевт, пульмонолог сифатида ҳам минглаб беморларнинг шифо топишлари, соғайишлари сабабчи бўлди. Неъматилла Аралов Самарқанд вилоятида биринчилардан бўлиб "Doctor Aralov Medikal" МЧЖ ҳамда "Sihat shifo" кўп тармоқли хусусий тиббиёт клиникаларига асос солган инсондир. Оилада ҳам аҳойиб ота эди. У икки ўғил, бир қизни воёга етказиб, зиёли қилиб тарбиялади. Фарзандлари ҳам отасининг йўлидан бориб, шифокор касбини эгаллашга муваффақ бўлишди.

Н. Аралов пандемия даврида эл соғлигини сақлаш борасида катта жасорат кўрсатиб, кўплаб оғир касалларни ҳаётга қайтарди, онлайн ва жонли тиббий маслаҳатларини ҳеч кимдан аямади. У умрининг охиригача коронавирусдек офатли, ўта юқумли инфекцияга қарши курашди ва охир-оқибатда ўз жонини ҳам баҳшида этди.

Домланинг ижобий хислатлари тўғрисида кўплаб фикрлар билдириш мумкин. У кафедра ишларини юритишда қаттиққўл бўлсада, ёшларни ҳамма вақт илмга жалб этиб, уларга ёрдам беришда хизматларини аямасди. Қисқа умри давомида сермазмун, хайрли ишларни рўёбга чиқаришда чинакам жасорат кўрсатганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Зеро, саҳий-қалб, зуқко олимнинг қилган яхшиликлари абадул-абад ҳаётини дур. Устознинг ёрқин хотираси яқинлари ва шогирдлари қалбидан мангу сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирлик Марказий бухгалтерияси бош бухгалтери **Анвар Нематиллаевич ЭЛИБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.